

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 158 (3640).

Шанба, 12 август 1967 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ҲИНДИСТОН— ЎЗБЕКИСТОН

Бугун Ўзбек элининг қадимий ва ҳамisha навиқрон шаҳри Тошкентда катта байрам. Бугун бу ерда Ҳиндистон маданияти декадаси бошланади. Дўст, қўшни ҳинд элининг маданияти арбоблари, атоқли адиблари ва моҳир санъаткорлари Ўзбекистонга келганлар. Меҳрибонлик билан қабул қилинганлар. Ўзбекистонда Ҳиндистон маданияти декадаси бошланади.

Республикада Ҳиндистон маданияти декадасининг ўтказилиши халқимизнинг маданияти ҳақида катта ва унутилмас воқеадир. Элимизга меҳмон бўлиб келган улкан халқнинг улкан ижодкорлари ўн кун мобайлида халқимиз ҳаёти билан танишадилар. Ўз маҳоратларини намойиш қиладилар, иқидий ҳодимларининг билан дўстлик ва ҳамкорлик ишларини янада мустахкамлашга ҳисса қўладилар.

Ҳиндистоннинг азиз меҳмонларини қабул қилишда Тошкентдаги ҳинд элининг маданияти декадаси бошланади. Декада давомий равишда кўп сонли оғзаки ва ёзма асарларни ўқитиш, таълим ва таъриф қилиш билан ўтказилади.

Ҳинд элининг иқидий ҳодимлари Тошкентдаги ҳинд элининг маданияти декадаси бошланади. Декада давомий равишда кўп сонли оғзаки ва ёзма асарларни ўқитиш, таълим ва таъриф қилиш билан ўтказилади.

Ҳинд элининг иқидий ҳодимлари Тошкентдаги ҳинд элининг маданияти декадаси бошланади. Декада давомий равишда кўп сонли оғзаки ва ёзма асарларни ўқитиш, таълим ва таъриф қилиш билан ўтказилади.

Ҳинд элининг иқидий ҳодимлари Тошкентдаги ҳинд элининг маданияти декадаси бошланади. Декада давомий равишда кўп сонли оғзаки ва ёзма асарларни ўқитиш, таълим ва таъриф қилиш билан ўтказилади.

Ҳинд элининг иқидий ҳодимлари Тошкентдаги ҳинд элининг маданияти декадаси бошланади. Декада давомий равишда кўп сонли оғзаки ва ёзма асарларни ўқитиш, таълим ва таъриф қилиш билан ўтказилади.

ҲИНДИСТОН ЭЛЧИСИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ўзбекистонда Ҳиндистон маданияти декадаси ўтказилиши муносабати билан Ҳиндистоннинг ССРСдаги элчиси Кевал Сингх Тошкентга келди. Аэропортда элчиси республика Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари, чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти ҳамда Совет — Ҳиндистон маданий алоқалар жамияти Ўзбекистон бўлимининг раҳбарлари, жамоатчилик ва матбуот вакиллари кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида Ҳиндистон элчиликсининг масъул хизматчиси А. П. Венкатесваран ҳам боз эди. (ЎзТАГ).

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Тошкентга келган Ҳиндистоннинг ССРСдаги элчиси Кевал Сингх 11 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова хузурида бўлди. Элчи хонанча масъул хизматчиси А. П. Венкатесваран элчи билан ўзининг рафиқасига ҳамроҳлик қилди.

Икки ўртада бўлган самимий, дўстона суҳбатда К. Сингх билан Е. С. Насриддинова Ҳиндистон маданиятининг Ўзбекистонда бошланган декадаси аҳамиятини юксак баҳоладилар. Бу декада совет-ҳинд дўстлигини янада мустахкамлашга кўмаклашади, деб таъкидладилар.

Шу кунги Кевал Сингх Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ташқи ишлар вазирлиги С. О. Азимов хузурида бўлди.

Бугун республикада пойтахти—Тошкентда Ҳиндистон маданияти декадаси очилади. Буюк ҳинд халқининг истеъдодли ижодкор вакилларига оташин салом!

Тошкентда келган Ҳиндистоннинг ССРСдаги элчиси Кевал Сингх 11 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова хузурида бўлди. Элчи хонанча масъул хизматчиси А. П. Венкатесваран элчи билан ўзининг рафиқасига ҳамроҳлик қилди.

Икки ўртада бўлган самимий, дўстона суҳбатда К. Сингх билан Е. С. Насриддинова Ҳиндистон маданиятининг Ўзбекистонда бошланган декадаси аҳамиятини юксак баҳоладилар. Бу декада совет-ҳинд дўстлигини янада мустахкамлашга кўмаклашади, деб таъкидладилар.

Шу кунги Кевал Сингх Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ташқи ишлар вазирлиги С. О. Азимов хузурида бўлди.

Ҳиндистон элчиси Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. А. Асомов хузурида дўстона таширф бўлди. Шунингдек чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятига бориб, шу жамият президиумининг раиси Х. С. Шукурова билан ва Совет-Ҳиндистон маданий алоқалари жамияти Ўзбекистон бўлимининг президенти шоира Зулфия билан учрашди. (ЎзТАГ).

Ҳиндистон элчиси Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. А. Асомов хузурида дўстона таширф бўлди. Шунингдек чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятига бориб, шу жамият президиумининг раиси Х. С. Шукурова билан ва Совет-Ҳиндистон маданий алоқалари жамияти Ўзбекистон бўлимининг президенти шоира Зулфия билан учрашди. (ЎзТАГ).

ҚЎЛИМИЗ КЎКСИМИЗДА

Бир зум тўхтаб субҳидам елларни олиб келатган қўшнларни қўлоқ солишга. Хонанда завоқ билан куйлаётган, куйга юрак суғаларини жўр қилаётган: ОНА ШАҲРИМ, ЖОНИМ ТОШКЕНТИМ!

Тошкент шаҳрини битилган шеърлар, басталанган куй-қўшиқлар беҳисоб. ОНА ШАҲРИМиз дўстлик, тинчлик ва нажарат шеърини сифатида тилларда, дилларда дoston. Негар ҳам уни шеърга солиб мадҳ этмайлик, куйга солиб кўйламайлик! Тошкент аҳли кўрсатган жасорат ва матонат юракни тинч-жўрмида ахир!

Уш шаштум тонининг бўғиқ наъраси ҳади-ҳали кўксимизда остидан нари кетгани йўқ. Бир зумда ҳаммаёқ ларзага келди. Бугун-бутун маҳалларнинг пахса деворди уйлари тугдек тўқилди. Минглаб оилалар чангга ботган кўч-кўлон билан оғиқ осмон остида қолди. Бу совуқ хабар Тошкентнинг ёри-биродарлари, дўст-қўридошлари кўзига ўша тўғдай етди. Москваликлар, украинлар, латинлар, грузинлар — қўйинчи, Иттифоқимиздаги барча қардошларимизнинг гинчи ҳам тошкентликлар тинчи билан бир вақтда бузилди. Дўстлик аз тинчлик шаҳрини қайта қуриш, табиий офат оқибатларини бартараф этиш ниятида отланган қардош қўнғили бинокорлар сифат-сиф бўлиб самолётларда, поездларда Тошкентга томон йўл олавердилар. Шу-шу пойтахтнинг улкан қўрилиш майдонига айланиб қолди.

Ушандан бери орадан ўн тўрт ой ўтди. Шу қисқа муддат ичида бажарилган ишларни кўриб киши беҳишёр ёқа ушлайди. Инсон заковати, дўстлик қудратига қўйил қолади. Ўтган йили пойтахтимизда 800 минг квадрат метр турар-жой фойдаланишга топширилди. Бу ютуққа қардош бинокорлар ҳам, «Гавташкенстрой» қурувчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Биргина РСФСРдан келган қардошлар армиядан вақт ичида 43 минг 320 квадрат метр турар-жойини тошкентликларга совға этдилар. Юбилей йилида ҳам элчилар, Юбилей йилида ҳам элчилар, РСФСРнинг бинокорлар қасди ишлатишмапти. Ўтган йили йил давомида улар қўли билан яратилган 55 минг 150 квадрат метр турар-жойда

уч мингдан ортқ бахтли оила ҳовли тўйларни ўтказди. Йил охиригача эса бу рақам 162 минг квадрат метрга етди. Бундан ташқари 1820 ўринли еттига болалар богчаси, 3560 кўчига мулкаланган учта мактаб, учта магазин, дорихона, мактаб бўлими ҳам Тошкент ҳуснига ҳус қўшади.

Москва, Украина, Беларуссия бинокорлари қўрган кўрам квартираларда ҳам ҳозир минглаб тошкентликлар яйраб истиқомат қилмоқдалар. Ҳозир ҳам бу азамат коллективлар ишлаётган участкаларда турар-жой бинолари пешма-пеш фойдаланишга топшириляб турибди. Бу уйларида ўтказилаётган ҳовли тўйларининг кети ушламапти.

Юбилей йили ўтди борапти. Бинокорлар бу йилни улкан зафарлар билан яхуллашга сўз берадилар. Вақтда вақтда азаматлар ўтаб оилаларда 600 минг квадрат метрдан кўпроқ турар-жойни фойдаланишга топшириб катта зафар қўчдилар.

БИНОКОРЛАР КУНИ ОЛДИДАН

Бундан ташқари 3000 ўринлик мактаб, 2440 ўринлик богча ва ясли ҳамда бир қатор маданий-маиший бинолар ҳам тўла қўлдан чиқарилади. Йил охиригача эса улар 1 миллион 200 минг квадрат метр уй-жойни тошкентликларга армуғон этган ниятидандилар.

Ҳозир қасқада боқманг, зўр кўтаринки рух билан меҳнат қилаётган бинокорларни кўрасиз. «Гавташкенстрой»га қарашли П. Данилов, В. Ципкин ўр-тоқлар бошлаб, 10-қўриқда трестига қарашли У. Хожиев бошлаб, 3-қўриқда трестига қарашли С. Павлов бошлаб бунда аъзоларининг номларини бугун тошкентликлар ҳурмат билан тили олмақдалар.

Ер остида девдек ўқибди ҳаммаёқни ларзага келтирган қорам куч бутун инсон осни остида жон бермоқда. Совет ишлари табиат стихиясидан зўр чиқадилар. Тошкент дўстлар ердамида қайта тикланиб, ланамоқда. Тошкент олдига ўзини қардор ҳисоблаган қардошлар

қардорларини узиб, вақдаларини бажариб, бирин-кетин ўз она юртиларига ёруз юз билан қайтмоқдалар. Яқинда тошкентликлар қўлиларини кўксиларига қўйиб қирғиз дўстларини ўз днёрларига кузатиб қолдилар. Қардош бинокорлар орасида биринчи бўлиб қирғизистонлик биродарларимиз ўз зиммаларидаги вазифани шараф билан адо этганликлари ҳақида гаплаб рапорти бердилар. Улар ҳамшаҳарларимиз учун тўртта турғаватли кўрам турар-жой бинолари ва битта болалар богчасини тортиқ қилдилар. Қирғизлар билан иетма-кет дўстлик азаматлар ҳам гаплаб рапортига имзо қилдилар. Улар қўли билан Чилонзорда 10 минг квадрат метр уй-жой ва 280 ўринли болалар богчаси бунёд этилди. Панига қўшимча равишда яна 700 квадрат метр турар-жой ва 500 квадрат метр фойдаланишга топширилди.

Тошкент қўрилимоқда. Тошкент яшамоқда. Ҳозир қўрилиш марказга кўчган. Бу ерда кўрам квартиралар бунёд этиляпти. Энгелсе, Ленин, Пушкин, 1-Май, Усмон Юсупов кўчалари бўйларига кўп қаватли иморатлар қўриқилган москвалик, ленинградлик, украинлик, РСФСРлик бинокорлар иш суруятига суръат қўшмоқдалар. «Гавташкенстрой» қурувчилари ҳам меҳмонлар билан бир сафда бормоқдалар. Ҳадемай, марказдаги 2-П, 4-П, 13-П квартираларида дастлабки турар-жойлар тошкентликларни ўз бағрига олади.

Кўрам ва мустахкам квартиралар қўриб бераётган бинокорлардан тошкентликлар беҳад миннатдор. Бу кун биз уларга ош эгиб таълим қиламиз. Бинокорлар иш ҳали тамом бўлгани йўқ. Улар олдига улкан вазифалар турмоқда. Беш йиллик давомида Тошкентда олти миллион квадрат метр турар-жой, кўлаб маданий-маиший ва маъмурий бинолар қурилиши керак. Бу 1966 йил 26 апрелда шаҳарда қўрилган бутун уй-жой фондига қарийб тенгдир. Беш йиллик марраларини, юбилей йили топшириқларини шараф билан адо этишда бизга зафар ер бўлсин, азиз бинокорлар!

Ж. НОСИРОВ.

ҲИНДИСТОН ВАКИЛЛАРИ ТОШКЕНТДА



КЕЧА Тошкент жамоатчилиги Ўзбекистонда ўтказилаётган Ҳиндистон маданияти декадасида қатнашиш учун бу ерга келган бир гуруҳа ҳинд санъаткорларини дучоқ очиб кутиб олди. Фотомухбиримиз А. Абдали олган юқоридаги икки суратда азиз меҳмонларини Тошкент аэропортда кутиб олиш пайти ва (пастда) «Тошкент» меҳмон хонаси олдиди дўстона суҳбат акс этган.

БАРАКАЛИ ХИРМОН КЎТАРАМИЗ

Участкамиз аъзолари ўтган йили баракали хирмон кўтариб, мажбуриятини охиригача бажаришди. Машина теримида ажойиб ютуқларни қўлга киритди.

Бу йил пахта майдонимиз 232 гектарга етди. Қолхўзларини имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пландаги 22 ўринга 25 центнердан «оқ олтин» кўтариш мажбуриятини оғанлар. Ҳозир ана шу мажбуриятга яраша қандай иш қилаймиз? Ўтган йиллар давомида анча унумли меҳнат қилдик. Қатор ораларига ҳам шилло берилиш пухта ташкил эдик. Чекангани ҳам ушшоқлик билан ўтказдик. Ўзгаларининг ёв-лаб кетишига йўл қўймадик. Тўрт-беш марта култивациядагича

лар қондириб суғорилмоқда. Бизда ҳозир қатор оралари 10—12 сантиметр чуқурликда култивация қилинмоқда. Бу эса, қўшларнинг идишларини шикастлантимаслик имкониятини бермоқда. Култиваторларнинг олд томонида тўсиқлар қилинди. Қўсақ ва гулларни захлатмасликка ҳаракат қилинмоқда.

Сувчилар ҳам гайрат кўрсатишди. Абсалом Ахромов, Ўташ Қорабев ва 18 сувчининг ҳаммаси сувдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Улар нечалари

ҳам пайкал оралашди, сувнинг қандай оқибатининг кўздан кечиришди.

Ерларимиз паст-баланд. Шунга қарамай, ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдами билан териб олишга қарор қилганмиз.

Шунинг ҳам айтиш керакки, биз ўтган йили ёвзани дефоляция қилишни анча бартараф ўтказиб қўйган эдик. Бунинг оқибатида қўсақларнинг бир қисми пишмай қолди. Пастки шохлардаги қўсақлар вақ-

тида очилиб, юқори шохлардаги тўрт-беш қўсақ очилмай қолди. Оқибатда пахтанинг сорти бироз бузилди.

Энди бундай ҳатонинг такрорланishi йўл қўймаймиз. Ўзга дефоляциясини 10 сентябрда бошлаш ниятидамыз. Бу эса августнинг йиғирманчисидан кейинга қолган қўсақларнинг ҳам етилиб, сентябрнинг охирида дўппи-дўппи очилиши таъминлайди ва қанчаланди қўшимча ҳосилни қўлга китириш имконияти беради.

Биз ҳосилга ҳосил қўшилиш давом эттиришимиз. Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарори асосида йилнинг теримга тайёргарлик ишларини ҳам қўчийтириб юбордик. Кўприклар ремонт қилинмоқда, йўллар текисламоқда, пахта хирмонлари тартибга келтирилмоқда. Ҳар бир ишни шу куннинг талаби даражасида олиб бориб, бутун куч ва гайратимизни баракали хирмон кўтаришга сарфлаймиз.

А. ННЗОВ.

Янгйўл районидаги Навоий номи колхозининг участка бошлиғи.

ДУСТЛИК ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАЙВЕРСИН



Қўли гуд, наққош ҳинду қизлари.

ҲАМОҲАНГ КҮЙЛАР

Куй тарихимизда, бир тилдан иккинчи тилга, бир дилдан иккинчи дилга кўчиб, инсон руҳига бардамлик бағишлайди, илҳомини жўшиба қўйиб, завоқ чаманга сайқал беради.

Куй инсон ҳаётининг доимий йўлдошидир, яхши куйлар бақариётининг абадий йўлдоши, унинг бебаҳо маданий бойлигидир. Ҳар бир халқнинг ажойиб куйлари ва моҳир ижодкорлари, ижроачилари бўлади. Бугун бизга меҳмон бўлиб келган дўст халқнинг санъаткорлари ҳам ана шундай моҳир музикачилар ва жозибали рақс ижодкорлари, ижроачиларидирлар. Улар орасида ажойиб бастакорлар ва истеъдодли ашулчиликлар бор. Бизлар уларни ўзбек элида муқорабод этар эканмиз, келинг, бирга куйлайлик, куйларимиз ҳамоҳанг куйлар деймиш.

Чиндан ҳам бизнинг куйларимиз бир-бирига ўхшаб кетмади. Чунки бизлар қадимий қўшни халқларимиз. Куйларимизнинг ҳамоҳанглиги ҳам шундан.

Совет Иттифоқи, шу жумладан ўзбек халқининг Хиндистон халқи билан яхши қўшничилиги, маданий ҳамкорлиги яхши натижалар бермоқда. Икки халқнинг маданий равноқ топишида катта таъсир кўрсатишда.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг кўпгина санъаткорлари қўшни Хиндистонда бўлиб, шунингдек халқнинг кўпгина моҳир санъаткорлари ҳам совет халқининг меҳмони бўлиб келди. Маъна бугун ўзбек элида, унинг пойтахти Тошкентда хинд кўшиқлари янграмоқда, ажойиб ўйинлари, оҳанглар куйлари томошанилар қалбини мафтун этмоқда. Халқимиз хинд элининг ажойиб санъаткорларини гўлусталар билан олқишламоқда.

Ўзбекистонда Хиндистон маданияти декадаси ўтказилиши республикамизнинг маданий ҳаётида катта воқеадир. Биз ўзбек санъаткорлари қўшни, дўст Хиндистон санъаткорларини декада муносабати билан самимий табриклаймиз, улар билан кўп иккуний учрашувлар ўтказамиз.

Ўзбек эли хинд кўшиқлари, музика ва рақсларини севиб томоша қилади. Бу халқимизнинг меҳнатсевар, тинчликсевар буюк хинд халқи, унинг талафти ижодкорларига бўлган ҳурматининг ёрқин белгисидир. Бизлар ҳаммаси дўстларимизга уларнинг иккуний ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Муҳаммаджон МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

ҲИНДИСТОН "ТОШКЕНТ"И

Баъзан кичик бир сабаб билан катта воқеанинг гувоҳи бўлиб қолсан, киши! Бурхван қишлоғи аҳолисининг амру қарори билан қадимий Тошкентнинг номини яна қайта-қайта эъзолашди, шаҳримиз овозаси кенг тарқалди.

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Хиндистондаги Бурхван қишлоғи аҳолиси азм Тошкентни қўшдан яхши биларди. Бу ерда қабул қилинган Тошкент Декларациясидан сўнг қишлоқ аҳолисида гўзал шахарга бўлган меҳр тағин ҳам товланди. «Қишлоғимизда олти минг аҳоли яшайди. Гарчи, Бурхван деган ном биз учун қадри бўлса-да, қишлоғимизни Тошкент номини билан аташга аҳд қилдик. Чунки, Тошкентда ўтказилган Хиндистон ва Покистон мамлакатлари ҳукумат бошлукларининг учрашувида қабул қилинган Декларация тинчлик руҳи билан сўзлашди. Тошкент руҳи тағана қилаверсин!» деб қўйилган қишлоқ аҳолиси қарориди.

Яхши гапнинг учқур қаноти бўлади. Қишлоққа жонажон Тошкентнинг номини берилганини тўғрисидаги бу хабар Хиндистондан серқўш дўстимизга яхши тезлигида етиб келди. Хиндистонга миннатдорчилик табриқи йўлланди. «Биз қишлоққа Ўзбекистон ССРнинг пойтахти номини берилганидан мамнун бўлдик. Тошкент шахар ижроия комитетидан юборилган телеграммда шундай жумлаларни ўқиб мумкин эди. — «Тошкент» қишлоғи билан шаҳримиз ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкамланаверсин!»

Шундай сўнг шахар ижроия комитети ҳузуридаги халқаро алоқалар бўлими Ўзбекистон пойтахтига бағишланган фото-кўргазма ҳозирлашга киришди. Хиндистон Тошкентни Осё ва Африка мамлакатларидан қўшгина шахарлар билан алоқалар ўрнатди. Ҳозир унинг қарачи (Покистон), Триполи (Либи), Патнеда (Хиндистон), Тунис (Марокко) шахарлари билан дўстона ҳамкорлиги бор.

Қишлоққа турли мактуб ва фото-боянлар келиб турибди. Панжобдан олтинган мактубда Тошкентда «Панжоб кўни» ётказишга қарор қилинганлиги айтилган эди. Хиндистон Тошкентга Ўзбек куйи ва кўшиқлари билан грампластинкалар, болалар томонидан ишланган ҳар хил расмлар ҳам юборилди.

А. АЛИЕВ.

ХУШ КЕЛИБСИЗ

Т. Н. ҚОРИ-НИЗНИ,
академик.

«Журналлар, китоблар, газеталар бўлмаган биронта уй йўқ, — деб ҳикоя қилади машҳур хинд ёзувчиси Кришна Чандр. — Ўзбекистон ҳаётининг барча томонларида янги ҳаётга, янги маданиятга аҳамият берилганлиги сезилиб турибди. Бу тараққиётга бизнинг ҳавасимиз келади, биз қойилмиш. Бугун Осё учун бу тараққиёт йўли юлдуз бўлиб хизмат қилади».

Бугун Хиндистон маданияти ҳодимлари серқўш республикамизга ташриф буюрган кунда хинд ёзувчиси бу самимий сўзларини тилга олиш нақадар завқли!

Ҳа, бугун Ўзбекистонда Хиндистон маданияти декадаси бошланди. Декада том маънодаги катта дўстлик байрамига айланиб кетди.

Хиндистон! Бу мамлакат ер юзидagi онг қадимий маданият ўлкаларидан биридир. Тарихий ёдгорликлардан маълумки, Хинд дарёси водийсида, ҳуёусан Панжоб ва Моҳанжодаро каби жойларда эраимиздан илгарики учинчи минг йилликда сугорилган қаналари, пишқирган сувдан асалган уч-тўрт қаватли бинолар, пахталан маҳсулот ишлаб чиқарилган тўқимачилик корхоналари, ҳунармандлик ва заргарлик каби нафис санъат мавжуд бўлган.

Шарқ халқларининг, айниқса Хиндистон халқларининг жаҳон фани ва маданияти хазинасига қўшган ҳиссаси алоҳида ўрин тутди. Хиндларнинг эраимиздан VIII аср илгари вужудга келган «Ҳаёт китоби» («Аюрведа») асосан ички касалликларга бағишлангандир. Бу асарнинг Сустра исмли хинд олим (эраимиздан IV аср илгари) тахрир қилган нусхасида 760 хил дори тўғрисида сўз боради. Яна бир хинд олим Чоракнинг медицината онд асари 800-йилларда араб тилига таржима қилинган. Хинд олим Панини тўғрисида санскрит тилининг грамматикаси XIX аср ўрталарида Европада лингвистик мақоёса методининг ривожланишига ердан берди.

Қадимги хиндлар математика соҳасида квадрат ва куб илдилари чиқариш, иккинчи даражали номалум тенгламаларни ечиш ва арифметик қаторларни йиғиш учун лозим бўлган эмпирик қонунлар билан таниш бўлганлар.

Хиндистон ва Ўрта Осё халқларининг тарихи ўзаро чам-

барчас боғланган. Эраимиздан аввалги биринчи асрнинг бошида Ўрта Осёда Сугдена ва Бақтрия территориясида пайдо бўлган Кушон давлати Кадфиз I даврида кенгайиб, Қашқир, Қўбў дарёси водийси, Хоразм, Чоч каби бирмунча ерларни ўз ичига олган эди, Бора-бора бу давлат кенгайиб, ниҳоят территорияси, бир томондан Сугденидан Хинд дарёсининг бош қисмигача ва иккинчи томондан Помпидан Парфиягача бўлган қадим замоннинг энг катта империяларидан бирига айланган.

Амударёнинг боши билан Шимолий Хиндистон орасида эраимизнинг биринчи асрида доир архитектура ҳамда скульптура ёдгорликлари топишган. Буларнинг кўпи Чандхар санъати деб номланади.

Шунинг диққатга сазоворки, бу характердаги санъат Ўрта Осё қабилалари Шимолий Хиндистонга кириб борган вақтдан бошлаб вужудга келган.

Ўрта Осё ва Хиндистон олимлари ижодларининг ўзаро таъсири ва уларнинг ҳамкорлиги гоат самараландир. Масъдан, Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг «Китоби ҳисоб ал ҳинд» асари фан тарихида катта ва муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу асар тўғрисида, аввало Шарқ мусулмонлари, сўнгра Европа халқлари қадимги Хиндистоннинг маъмур музоам кашфоти билан биринчи марта танишишга муваффақ бўлишди.

Олим Абу Райҳон Берунийнинг Хиндистонни бутун дунёга таништириш бўлидаги роли муҳим ва каттадир. Беруний хиндларнинг қадим тили — санскритни ўрганди. У XI асрнинг биринчи ярмида Хиндистон бўйлаб ўзоқ вақт саёбат қилди. Бу саёбат натижасида унинг «Хиндистон» номи билан машҳур бўлган монографияси вужудга келди.

Албатта, бундан кейинги йилларда ҳам хинд маданияти раванқ топди. Бунинг астрономия обсерваториялари мисолида ҳам кўрса бўлади, Машҳур хинд астроном Савай Йай Синининг ёзишча, қўшна Деҳлидаги обсерваториянинг асбоблари «Самарқанддаги Мирзо Улугбек обсерваториясидаги асбобларга ўхшатиб ясалган» экан. Бу олим қўлёмаларида бири қозир Ўз-

бекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтиди сақланаяпти.

Буларнинг ҳаммаси Хиндистон билан Ўрта Осё халқларининг қадимдан ўзаро маданий алоқаларда бўлиб келганликлари кўрсатади.

Хиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорлик, айниқса кейинги йилларда кенг қулоқ ёлди. Ўзбекистон санъаткорлари Хиндистонда гастролларга бордилар. Хиндистонлик санъат усталари серқўш республикамизда бир неча бор меҳмон бўлишди.

«Хиндистон стандарт» газетаси Ўзбек артистларининг Деҳлида кўрсатган томошалари тўғрисида маъна бундай деб ёзган эди: «Концерт ажойиб ритми, мислсиз жозибдорлиги, кўркамлиги ва музикасининг хушоданлиги билан ҳаммамни мафтун этди. Хинд санъаткорлари ҳам ўз наъбатда жозибали кўшн ва рақслари билан мамлакатимизда кенг танилдилар.

Машҳур раққоса Индранини Ўзбек томошабинлари яхши билдилар. Унинг яқиндаги Тошкентда берган концертлари зўр муваффақият билан ўтди.

Хиндистон йилки илмий конгресслар ўтказиладиган мамлакатлардан бири сифатида ҳам танилган. Бундан етти йил муқаддам Хиндистоннинг Бомбай шаҳрида Умумхиндистон конгресси бўлди. Совет олимлари делегацияси составида бу катта илмий йиғинда қатнашди. Қўллар қатори мен ҳам аниқ фанлар соҳасида доклад қилдим. Хуллас, конгресс фанларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Техника ва маданият ривожланаверар экан халқаро дўстона алоқалар ҳам кенгайяради. Бугун серқўш республикамиз пойтахти Тошкентда очилмакчи Хиндистон маданияти декадаси ҳам дўстона ҳамкорлигим мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Марҳабо, азиз дўстлар!

МЕҲРИМИЗ РАМЗИ

Бирор мамлакатнинг халқи тўғрисида гап борганда киши кўз олдида ўша халқнинг маданияти, санъати, ҳуёусан унинг бадий адабиёти намоян бўлади. Кишида, бу халқ санъатига доир нима билан ўйланган, нима билан кўрган, деган савол туғилади. Серқўш республикамизда хинд маданияти декадаси ўтатган ҳозирги шонли кунларда бу саволга беҳтёр мурожаат қилинмоқда. Қанча ўнган, кўрган бўлишмасин, бари бир яна ўнганга, яна кўришга иштиёқ туғилаверади, кишида.

Ахир биринчи саҳифасиданоқ кишини ўнган ишсиз боғлаб оладиган ажойиб романилар, повесть ва ҳикояларини, нозик ҳис-туйғу билан ёзилган ажойиб шетларини, кишини ҳаяжонга солувчи фильмларни ким семайди, дейсан.

Ғафур Ғўлом номидаги бадий адабиёт нашриёти хорижий шарқ халқлари адабиёти, реликциясига республикамизнинг турли томонларидан кўпба ўзгариш келиб турадиган халқлар фикрининг эркин далилидир. Улар ўз мактубларида хинд ёзувчиларининг асарларидан олган ўз таассуротларини ўртоқлашадилар, нашриёт планида хинд адабиётига мансуб яна қандай асарлар борлигига қизиқадилар ва нашр этилган асарлардан кўпроқ юборишни ҳамда қайта нашр этишни илтимос қиладилар.

Хинд халқи, унинг адабиёти ва санъатига ўзбек халқининг ҳурмати гоат қадимийдир. «Тўтинма», «Калила ва Димна» каби асарларнинг кўпдан бери бизга маълум ва машҳур бўлишининг боиси ҳам шундан.

Улуг Октябрь социалистик революцияси халқлар ўртасидаги маданий алоқалар дарозасини кенг очиб берди. Бундан манфаатдор бўлган халқлар ўртасида дўстлик ривож топди. Турли жанрдаги асарлар СССР халқлари, шу жумладан ўзбек тилида кўпба нашр этила бошладилар.

Бадий адабиёт нашриёти ҳозирги кунда Европа, Латин Америкаси ва Шарқдаги деярли барта мамлакатларнинг тараққиётлар ва ёзувчилари асарларидан намуналар босиб чиқармоқда. Нашриётнинг хорижий шарқ мамлакатлари

халқлари адабиёти бўлимида Покистон, Афғонистон, Эрон, Бирма, Туркия, Ироқ, Индонезия, ҳамда Араб мамлакатлари ёзувчиларининг ҳамда Африка мамлакатлари қаламшавларининг асарлари ўзбек тилида нашр қилинмоқда. Буларнинг кўчилигини хинд адабиёти ташкил қилади.

Ҳозирги кунда ўзбек китобхоналарининг жавоабдор хиндистонлик жуда кўп шoir ва ёзувчиларининг қалб кўри билан ёзилган асарлари жой олган. Биз булар орасида атоқли хинд қаламшавларидан Ҳабибоний Бхаттариянинг «Очарчилик», Прем Чанднинг «Қисмат», Нирмола, Хўжа Аҳмад Аббоснинг «Хиндистон фарзанди», Нараянинг «Авалди Рожа» романиларини, Мирза Расонинг «Бир хоним саргузашти» повестини, Ражендра Сингх Бедийнинг «Локвант» номи билан нашр этилган ҳикоялар тўпламини, Али Сардор Жафарий ҳамда Мирзо Ғўлоб каби нозик табиат шoirларининг шеърли мажмуаларини кўрамиз. Яқин кунларда ўзбек китобхоналарининг жавоабдор ҳозир босмақонада босилаётган хинд адабаси Разия Садажад Зоҳирнинг «Суман», Анибаҳау Сатхининг «Читра» («Гўзал») деб номланган романи, адиба Локимининг «Аёл қалби» деб аталувчи повести жой олади.

Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, машҳур хинд ёзувчиси Рабиндранат Тагорнинг сакина томлик танланган асарларининг биринчи марта ўзбек тилида тўла нашр этилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди.

Адабиёт мухлислари бу китоб-

ларни гоат мамнуният билан қарши олдилар.

Маълумки, бу асарларни ўзбек тилида нашр этиш нашриёт ҳодими ҳамда таржимонлардан масъулият ва оғир меҳнат талаб қилади. Шунинг учун ҳам бу шарафли вазифага Ғафур Ғўлом, Шайхода, Миртемир, Шухрат, Жуманова Жабооров каби истеъдодли шoirлар, Р. Муҳаммаджонов, З. Аширбоев каби урду тили мутахассислари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абурайхон Беруний номидаги шарқшунослик институтини ҳамда Тошкент Давлат университетини шарқ факультетини ва бошқа илмий марказдаги мутахассислар жалб қилинди. Бундан кейин ҳам жалб қилинаверади.

Шубҳасиз, ҳар қандай асарни аслидан бевосита таржима қилиш мансабда мувофиқдир. Аммо кўп ўринда биз бунга эриша олмас ва рус тили орқали таржима қилишга мажбур бўлар эдик. Республика-мида хинд ва урду тилларини яхшигина эгаллаган надрларнинг тобора кўпая бориши нашриётимизни бу қийинчиликлардан қутқармоқда. Ҳозирги кунда Хиндистон адабиётига мансуб асарларнинг кўп йисми аслидан бевосита таржима қилинмоқда. Юқорида санаб ўтилган бир қатор асарлар, жумладан «Қисмат» (Прем Чанд), «Очарчилик» (Бхабоний Бхаттария), «Бир хоним саргузашти» (Мирза Расо), «Локвант» (Ражендра Сингх Бедий), Али Сардор Жафарий, шунингдек Мирзо Ғўлоб шеърлари ва бошқалар авторнинг ўз тилидан бевосита таржима қилинди.

Ўзбек китобхоналари хинд адабиёти севиб ўқир эканлар, хиндистонлик дўстларининг ҳам Совет Ўзбекистонидagi шoir ва ёзувчиларнинг асарларига қизиқишлари табиийдир.

Бунинг ҳисобга олган ҳолда нашриётимиз кейинги йилларда ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарини хорижий халқлар тилларига, биринчи гада хинд китоб шайнадаларига уларнинг ўз тилида тақдим қилишни амалга оширмоқда.

Республикамиздаги етук таржимонларнинг ердамида сеvimли ёзувчимиз Шароф Рашидовнинг «Кашмир кўшиги» ҳиссасини урду ва араб тилларида чиройли бежақлар билан нашр этдик. Халқ шoirи, академик Ғафур Ғўломнинг шеърлар тўплами аса нашрдан чиқиб олдида турибди. Бу китобни республикамизда бир неча йил яшаб, Тошкент Давлат университетида лекциялар ўқиган, Деҳли университетининг профессори Ка-мар Раис маҳаллий мутахассислардан Р. Муҳаммаджонов ва Н. Муҳаммадов ўртоқлар билан ҳамкорлида таржима қилди ва нашрга тайёрлади. Лирик шонрама Зулфиннинг шеърлари аса таржима қилинмоқда. Бундан кейинги йилларда ўзбек халқининг сеvimли адаблари Ҳамза, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Уйғун асарларини ҳам хинд китоб мухлисларига етказиш ниятда.

Нашриётимизнинг келажак планлари катта. Унда машҳур хинд ёзувчиларидан Яшвал, Чаттопад-хал, Ашқ Упендранатх, шoirлардан Набр, Соҳир, Тобон, Маҳдум ва бошқаларнинг нодир асарларини аслидан бевосита таржима қилиб нашр этиш кўзда тутилган.

Халқлар дўстлигининг тобора мустаҳкамланишида бадий асарнинг роли беиҳсо каттадир. Биз бунинг ҳисобга олган ҳолда талабчан китобхоналаримизга сеvimли хинд адабиётининг асл дурдоналаридан янги-янги совғалар тақдим эта берамиз.

А. МИРАҲМЕДОВ,
Ғафур Ғўлом номидаги бадий адабиёт нашриёти хорижий шарқ мамлакатлари халқлари адабиёт бўлими-нинг мудир.



Хинд халқ рақси.



Ражастон штатининг халқ рақси.

Рабиндранат ТАГОР
(хинд ёзувчиси)

УЧИБ КЕЛГАН ҚУШЛАР

(Шу номли китобдан парчалар)

Шу юлдузлар орасида зулмат мавҳумоти чира қолган ҳаётимни бошлаб берувчи йўлчи юлдуз бор деб ўйлашимга ижозат этинг.

Аёл! Ашларимга нозик бармоқларингни теккизган захотинг музикадаги янглиғ тартиб пайдо бўлади.

Ядлаганган олов ўз ала-гаси билан мени омон сақ-лайди.

Осмоимла юлдузлар се-роб... Бироқ мен ўз уйимда ёқмай қолган жимит чи-роғ ҳақида қайғураман.

Бугун субҳидан дунё юрагининг ёлғусини сочади.

О, менинг қалбим! Ўз муҳаббатинг билан унга пешвоз чик.

Фикрларим шу чироқлар жимирлашига қўшилиб жи-мирлайди; Қалбим кўш-нининг доғли нурлари тегиши билан жимирлайди. Ҳаётим жамини жону-жониворлар билан бирга мовий кенг-ликларга, замон зулматига қараб сузиб кетишдан хуш-нуддир.

«Менинг ўрнимга қола-диган ким бор?» — сўрапти ботаётган Кўш.

«Мен борман Тақсир Олам», — жавоб берибди Лойчирок.

